


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти қурилиш-пудрат ишлар умумий ҳажми 2018 йил январ-март учун


2018 йилнинг январ-март ойи давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 492,4 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мосравиша ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 133,4 фоизни ташкил этди.

Тошкент вилоятида соҳалар кесимида қурилиш-пудрат ишлар ҳажми
2018 йил январ-март учун (млрд.сўм)



Тошкент вилоятида январ-март ойи давомида бажарилган қурилиш пудрат ишлар ҳажмининг ўсиш суръати бўйича Республикада 1-ўринни эгаллаб ҳудудий вилоятлар кесимида ўсиш сурати қуидагича кўринишга эга бўлди.

**Худудлар кесимида қурилиш пудрат ишлар хажмининг ўсиш сурати
2018 йил январ-март учун**



**Курилиш пудрат ишлар хажми расмий секторда
қуидагича қўринишга эга бўлди;**

I. Йирик корхоналар томонидан;

Тошкент вилоятида январь-март ойи давомида йирик қурилиш пудратчи корхоналар томонидан 84,8 млрд.сўмлик қурилиш-пудрат ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 229,3 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 17,2 фоизни ташкил қилди. Бундан қўриниб турибдики йирик қурилиш корхоналар томонидан қурилиш ишлар хажмини ўтган йилга нисбатан 7,3 пунктга кўпайиши вилоятнинг умумий қурилиш ишлар хажмида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Йирик корхоналар томонидан амалга оширилган қурилиш пудрат ишлар ҳажмини умумий ҳажм билан тақкосламаси

2018 йил январ-март (млрд.сўм)



II. Кичик корхона ва микрофирмалар бўйича;

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган мониторинг кузатув натижаларига кўра улар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2018 йил январь-март ойларида 180,8 млрд.сўм миқдорида баҳоланди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 103,1 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 36,7 фоизни ташкил этди.

Қурилиш пудрат ишлар ҳажми норасмий секторда қўйидагича

кўринишга эга бўлди;

2018 йилнинг январ-март ойи давомида жисмоний шахслар томонидан бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 226,7 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 144,6 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 46,1 фоизни ташкил этди.

*Инвестиция ва қурилиш
статистика бўлими*